Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 12-aprel, shanba № 46 (3395)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 10 апрел куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қоидалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни амалга оширишнинг муҳим омили бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Қонун «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишни бундан буён ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэътироф этилган қадриятлари ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тузилмани шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Асосий Қонунга парламент назорати институти киритилмоқда.

Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партиялараро рақобат, фракциялараро курашни янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қонунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳукуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштиришни ва кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсатни, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Сенаторлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантиғининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишлар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб берадиган нормаси бу ҳуқуқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилмоқда. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилади.

Сенаторлар Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгалигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлаши ва мақомининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, одилликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўзга чиққан сенаторлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Қонуннинг қоидалари чет эллик сиёсий арбоблар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётганлигини, улар бу янгиликлар энг демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мослигини таъкидлаётганликларини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқлаштирилди.

Юқоридаги қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар қайд этганларидек, уларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашдаги ҳал қилувчи омил бўлади. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатни янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини амалга ошириш муҳим халқаро аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 676–I-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда, № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9–10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3–4, 116-модда, № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар, № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги 890–II-сонли ва 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги 892–II-сонли қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Абдувахитов Абдужабар Абдусаттарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори

Абдуназаров Олимжон Тоштемирович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи

Артикова Светлана Баймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Курбанкулов Суяржон Машарипович — Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси

Мирзаев Абдуманоб Кучкарович — Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

Норов Жалил Халилович — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси

Ражабов Эсанбай — Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович — Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори

Фаттоев Ёқуб Талабович — Бухоро вилояти Пешку тумани «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари

Ходжакулов Эркин Гайбуллаевич — Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари М.Х.Ахмедов, А.Дусбаев, Ю.У.Караев, С.С.Касимов, Г.Р.Рустамова, К.Тогаев, М.С.Ходжаев, Ў.Ш.Холов, А.Ширинов, С.Х.Шукуров, К.Т.Юсупов ва М.К.Якубованинг ваколатлари ўзлари берган аризаларга биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.Собиров**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 апрел

«Касаба тур – 2014»

НАВБАТ — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

Жиззах вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонининг биринчи ва иккинчи босқичи якунланиб бормоқда.

«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти касаба уюшма қўмитаси ҳам мазкур тадбирга пухта ҳозирлик кўрди. Ҳар бир тумандаги йўл хўжалиги корхонаси цех касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз ҳудудида ҳаваскор велоспортчиларнинг фаол иштирок этишларига зарур шарт-шароит яратиб берди. Масалан, Зомин туман йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонаси мусобақани «Жиззах-Қўқон» автомобил йўлининг «Разъезд 6-Зомин шаҳри» автомобил йўлининг Иттифоқ қишлоғи чорраҳасигача бўлган ўн километрлик масофада ўтказди.

Вилоят йўлсозлари ўртасида қизғин кечган беллашувларда 42 нафар ҳаваскор велоспортчи иштирок этди. Ғолиблар келгуси босқичга йўлланма олиш билан бирга, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

— ЎзКУФК Раёсатининг қарорига мувофиқ жорий йилда ушбу тадбир қуйи босқичларда ҳам ўтказиладиган бўлди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ш. Баҳриддинов. — Бу жойларда ҳаваскор велоспортчиларнинг ортишига хизмат қилмоқда. Дастлабки икки босқичда 600 дан ортиқ ҳаваскор иштирок этгани қувонарли ҳол. Эндиликда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган велоспортчилар вилоят босқичида қатнашишга пухта ҳозирлик кўришяпти.

Ўз мухбиримиз

* * *

Сурхондарё вилоятида ҳам «Касаба-тур — 2014» веломарафонининг шаҳар, туман босқичлари катта қизиқишга сабаб бўлди. Мусобақаларда мингга яқин ҳаваскор велоспортчи зўр иштиёқ билан қатнашди.

Ушбу пойгалар Ангор, Шеробод, Денов, Музробод, Қизириқ туманларида юқори савияда ташкил этилди.

Ғолиблар касаба уюшмалари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиб, вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Х.ДОСОВ,
Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

УСТОЗЛАР ИБРАТИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учтепа туман кенгаши томонидан таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур — 2014» веломарафони ўтказилди.

Веломарафонда туман кенгаши тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан 30 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Баҳсларда Э.Анваров (27-БЎСМ) ва С.Копитова (44-умумтаълим мактаби) ғалаба қозонди.

Шунингдек, Н.Пўлатова (591-МТМ) «Энг ёши улуғ пойгачи», Х.Жўрақулова («Баркамол авлод» маркази) «Энг фаол аёл пойгачи», У.Иброҳимов (4-умумтаълим мактаби) «Энг маҳоратли пойгачи», Р.Азаматов (106-умумтаълим мактаби) «Ғалабага бўлган интилиши учун», Д.Шукуров (2-БЎСМ) «Энг ёш пойгачи» деб топилди.

* * *

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши томонидан 43-БЎСМда ташкил этилган мусобақада 35 нафардан зиёд ҳаваскор ўз кучини синовдан ўтказди.

20-35 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида Н.Чоршанбиев (Ю.Ражабий номидаги педагогика коллежи) ва Б.Тўраева (217-умумтаълим мактаби) маррага биринчи бўлиб етиб келди.

35 ва ундан катта ёшдагилар ўртасида эса Ш.Соатова (164-умумтаълим мактаби) ҳамда Н.Ишинбаев (184-умумтаълим мактаби) ғалаба нашидасини сурди.

М.Полвонов (182-умумтаълим мактаби) «Энг ёши улуғ пойгачи», Е.Базилова (188-умумтаълим мактаби) «Энг фаол аёл пойгачи» номинацияларида ғолиб деб топилди.

Ўз мухбиримиз

«Ташаббус — 2014»

Омад тадбиркор ва ташаббускорларга кулиб боқади

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг республика босқичи буни яна бир бор тасдиқлади

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Фермерлар кенгаши ва «Ҳунарманд» уюшмаси, тегишли вазирлик ва идоралар кўмагида ташкил этилди.

Иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши мунтазам ортиб бормоқда ва бунинг самарасида хусусий сектор мамлакатимизни ривожлантириш жараёнида янада муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз соврини учун ҳар йили ўтказиб келинаётган ва тадбиркорликни, биринчи навбатда, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бирига айланган «Ташаббус» республика кўрик-танлови ҳам бундан далолат беради.

Жорий йилда ушбу кўрик-танловда ўн минг нафарга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Феврал ойи охирида якунланган туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Вилоят босқичларининг энг муносиб 41 нафар ғолиби эса «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг мамлакат босқичига чиқди.

«Туркистон» саройида танлов ғолиблари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кенг кўламли кўргазмаси ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалигининг энг сўнгги ютуқлари, саноат ва ҳунармандлик соҳасидаги янгиликлар намойиш этилди. Ушбу экспозиция ва умуман «Ташаббус — 2014» танлови истеъдодли ва фидойи тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни кашф этди.

Полипропилен қоплар ишлаб чиқарадиган «Sirdaryo-Mega-Luks» масъулияти чекланган жамияти стенди кўрик-танлов иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Илгари бундай маҳсулот четдан олиб келинарди, бугун эса, аксинча, у экспорт қилинмоқда. Хусусан, 2013 йилда корхона қиймати 325 минг доллардан зиёд маҳсулотни хорижий буюртмачиларга етказиб берди.

Мазкур жамият раҳбари Муҳиддин Норматовнинг сўзларига кўра, корхона Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланган 2009 йилда ташкил қилинган. Ўша пайтда ишлаб чиқарувчиларга қўшимча солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар берилган эди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, юртимизда тайёрланган маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш кўлами мунтазам кенгаймоқда.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида ўтган йили мамлакатимизда 26 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти иш бошлади ва ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 190 мингтага етди. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, экспортнинг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 12-aprel № 46 (3395)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Сенаторлар халқаро вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бутун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар. Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккаблашувига ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мушкул бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига жиддий хавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини қайд этдилар.

Сенаторлар юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш юзасидан тайёрланган **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиқлигини таъминлашга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги таҳрирда кўриб чиқдилар.

Қонун корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, бозор муносабатларини қўллаш амалиётини ҳамда уларни ривожлантиришнинг янги реал воқеликларини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг ролини ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик компаниялари фаолиятининг шаффофлигини ва ҳамма акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонун бозор ислоҳотларини янада демократлаштиришга ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини либераллаштиришга, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ўрта мулкдорлар синфининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ва иштирокини оширишга, молия бозорида рақобатни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини, кўрилаётган чораларнинг тизимлилигини ва батартиблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини, кўрилаётган чораларнинг тизимлилигини ва батартиблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган янги таҳрирдаги **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги** Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу Низомнинг нормалари судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини, барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Сенаторлар **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам

ЎзА сурати

кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун билан бир қатор қонунларга: «Нотариат тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят, Фуқаролик кодексларига, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундан кейин **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги** масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини чуқурлаштириш чораларини амалга оширишга, бу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишига ёрдам беришга қаратилганлиги қайд этилди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқишга, бу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтларда мурожаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли ўртасида мурожаатларнинг бошқа шакли — Омбудсман ва унинг Котибияти ходимларининг шахсий қабули ҳам кенг амал қилмоқда.

Муҳокама асосида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор истак ва тавсияларни баён этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

* * *

2014 йил 11 апрел куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** муҳокама қилишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43 та йўналиш бўйича 252 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан республика миқёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларининг Давлат бюджетида жамланадиган маблағлари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган етмиш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўришга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги** фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14 та асосий йўналиши бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг саноат корхоналарида атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда — 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятли объектларида қуёш фотоэлектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишлари тугалланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асосида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўёбга чиқариш борасидаги ишининг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни баён этдилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини** тингладилар. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Айрим давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиб бориш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403 та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асосида аниқланган қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18 та давлат тузилмаси тизимида 16 та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қоидабузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этишга, жамиятда қонуннинг, қонунийликнинг устунлигини қарор топтиришга қаратилган 957 та таъсир кўрсатиш чораси кўрилган. Манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдириш ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш таклиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва таклифларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Демократик ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш бозор ислоҳотларини, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда хавфсизликни, барқарорликни ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Омад тадбиркор ва ташаббускорларга кулиб боқади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг республика босқичи мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланиб бораётганини намоён этди. Илгари соҳа вакиллари асосан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирган бўлса, сўнгги йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг сафи кенгайиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, фермер хўжаликлари қишлоқларимизнинг таянч устунидир. Дарҳақиқат, фермерлар деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда ҳам самарали фаолият юритмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бундай кўп тармоқли фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан ошди.

Наманган вилоятидаги «Файз» фермер хўжалиги улардан биридир. Уддабурон ва ташаббускор фермер Толибхон Аббосхонов раҳбарлик қилаётган мазкур хўжалик пахта ва пилла етиштириш, асаларичилик ва балиқчилик билан шуғулланмоқда. Хўжаликда ишлаб чиқарилаётган бежирим қадоқланган нон маҳсулотлари ва трикотаж буюмлар кўзни қувонтиради.

Кўргазмага ташриф буюрганларнинг фикрича, фермерларимиз томонидан бундай сифатли ва кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани фермерлик ҳаракати юксак самарадорлигининг яна бир ифодасидир.

Ота-боболари касб-корини давом эттириб келаётган ҳунармандларимизнинг хилма-хил стендлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Бу ерда намойиш этилган гиламлар, ёрқин сўзаналар, атлас, адрас, бекасам ва ушбу матолардан тикилган бежирим либослар, зардўзлик намуналари ва сопол буюмлар, чолғу асбоблари ҳамда бошқа маҳсулотлар давлатимиз томонидан ҳунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Амалда қўлланилаётган имтиёз ва преференциялар ҳунармандларга ўз ишини самарали йўлга қўйиш имконини бераётир. Бунинг натижасида, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Қорақалпоғистонлик 23 ёшли Наргиза Далибоева ёш бўлишига қарамасдан, истеъдодли дизайнер ва моҳир ҳунарманд сифатида танилган. «Устоз-шогирд» анъанасини давом эттирган ҳолда, у йигирма нафардан ортиқ қизга каштачилик, гиламдўзлик, қуроқ буюмлар, миллий либослар тикишни ўргатди. Юртимизда ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланаётган Наргиза фаолиятини кенгайтириш ва касб-ҳунар коллежларининг кўплаб битирувчиларини бизнесга жалб қилишни режалаштирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ташаббус — 2014» кўрик-танлови республика босқичининг иштирокчилари — тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандларнинг сифатли маҳсулотлари барчада катта таассурот қолдирди.

Анъанага кўра, ғолиблар номи «Туркистон» саройида тантанали равишда эълон қилинди.

Ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил қилган тадбиркор», «Энг яхши оилавий бизнес», «Менинг Ватаним — менинг фахрим» ҳамда «Йилнинг энг яхши экспортчиси» каби махсус номинациялар бўйича аниқланди.

«Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида Наманган вилоятидаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти директори Анна Добрих ғолиб бўлди. Унинг корхонаси болалар, эркаклар ва аёллар либосларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Сирдарё вилоятидаги «Аҳмадий» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Кенжаев энг яхши фермер деб топилди. У раҳбарлик қилаётган хўжалик пахта ва ғалла етиштириш, қорамол парваришлаш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Андижон вилоятидан Абдималик Мадраимов йилнинг энг яхши ҳунарманди, деб эълон қилинди. Уста миллий мусиқа асбоблари тайёрлашнинг унутилган анъаналарини қайта тикламоқда.

— «Ташаббус» мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириб, янада самарали фаолият юритишга рағбатлантирмоқда, — дейди Анна Добрих. — Кўрик-танлов ғолиби бўлганимдан фахрланаман. Бу муваффақиятга осонлик билан эришганим йўқ, негаки унда энг яхши тадбиркорлар иштирок этди. Уйга янги режалар билан қайтмоқдаман.

«Ташаббус — 2014» кўрик-танлови ғолибларига дипломлар ва мамлакатимиз Президентининг соврини — «Spark» автомобиллари, махсус номинациялар совриндорларига эса пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ
олган суратлар

Кўрик-танлов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талабалар турар жойларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, талаба-ўқувчилар турмуш шароитини яхшилаш мақсадида «Энг намунали талабалар турар жойи» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Энг намунали...

Маълумки, республикамизда 75 та олий ўқув юрти, 1554 та касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига қарашли 1031 та талаба ва ўқувчилар турар жойи мавжуд.

Тадбирда «Энг намунали талабалар турар жойи», «Энг намунали маънавият хонаси», «Энг намунали қизлар хонаси», «Энг намунали ўғил болалар хонаси», «Энг намунали талабалар турар жойи ошхонаси», «Энг ибратли комендант (бинобон)», «Энг тартибли талабалар турар жойи», «Энг намунали санитария-гигиена хонаси», «Энг обод талабалар турар жойи ҳовлиси» каби номинацияларда ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмаси эътиборида

Ҳуқуқий саводхонлик

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, соҳага оид корхона ва ташкилотларда ҳар ойда «Касаба уюшмаси куни» ўтказиб бориляпти. Ушбу тадбирда ташкилот раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, ходимлар мамлакатимиз Конституцияси, Меҳнат, Фуқаролик, Солиқ кодекслари, пенсия таъминоти ҳамда бошқа мавзуларда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда. Шу кунгача Тошкент шаҳрининг ўзида 10 марта шундай учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, 4-7 март кунлари Давлат алоқа қўмитаси билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятидаги 8 та корхона ва муассасада амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳолати ўрганиб чиқилди, бошланғич ташкилотларда маърузалар қилинди.

Ўтган йили Марказий кенгаш юридик бўлими томонидан 34 та ёзма ва 159 та оғзаки мурожаат кўриб чиқилди. Ёзма аризаларда меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш жойларини қисқартириш, ходимларни иш билан таъминлаш ва меҳнат дафтарчаларини юритиш, жамоа шартномаларида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар, иш ҳақи, меҳнат таътили ва моддий ёрдам бериш, соғлиққа етказилган зарар учун тўловларни ундириш, интизомий чораларни қўллаш ҳамда бошқа масалалар юзасидан талаб ва таклифлар билдирилган.

Мурожаатлар таҳлилига кўра, соҳа ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти режимини ўрганиш, меҳнат қонунчилигида белгиланган иш вақти ва дам олишига оид қонун талабларига риоя қилиниши ва уларнинг бажарилишини назоратга олиш тармоқ касаба уюшмасининг 2014 йилдаги устувор вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1-ярмида 4 та ёзма ариза ва шикоят кўриб чиқилди. 32 та оғзаки мурожаат қайд этилиб, тегишли ҳуқуқий маслаҳат берилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг талабига кўра «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ тизимидаги «Халқаро почтамт» филиали ходими Н.Муҳамеджонов, Сурхондарё вилояти Денов тумани почта ходими Д.Сатторова, Андижон вилоят Хонобод шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Х.Назиров ҳамда Қибрай туманида яшовчи М.Ташанованинг бузилган меҳнат ҳуқуқи тикланди.

Марказий кенгаш томонидан бошланғич ташкилотлар ва касаба уюшма фаолларини ҳуқуқий адабиётлар ҳамда ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор берилган. Касаба уюшма хоналари зарур жиҳозлар ва адабиётлар билан таъминлаб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Давлат алоқа қўмитаси билан Марказий кенгаш ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қабул қилинган 2013-2014 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси бандларининг фаолиятга татбиқ этилаётгани ютуқлар гарови бўлиб хизмат қиляпти.

А.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юристконсулти

РЕКЛАМА ЎРНИДА

XALQ BANKI

BANKEXPO — 2014: молия соҳасидаги хизматлар, жиҳозлар ва технологиялар

9-10 апрел кунлари «Ўзкўргазмасавдо» марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII «BankExpo — 2014» миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада республиканинг барча тижорат банклари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган етакчи суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари иштирок этиб, банк-молия соҳасидаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни тақдим қилишди.

Кўргазма Марказий банк ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилди.

Ушбу тадбирнинг мамлакат электрон тижорат тизимларини ривожлантириш ва ахборот инфратузилмаларини такомиллаштиришга қаратилган жараёнлари учун ўта долзарб аҳамият касб этиши туфайли тадбирни ўтказиш чоғида асосий урғу банклар веб-сайтлари орқали фойдаланувчиларга тақдим этилувчи интерактив хизматларга, шунингдек, банк ва унинг мижозлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги шаффофлик ва мулоқотга мойиллиги каби масалаларга қаратилди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, Лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи суғурта компаниялари ҳамда маҳаллий ва хорижий ахборот технологиялари компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида ҳикоя қилувчи стендлари билан иштирок этди.

«Халқ банки» ҳар доим сиз билан бирга

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда, саноатда ҳам, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳам ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Натижада, аҳолининг бандлик даражаси, даромади ва турмуш сифати ортиб бораётир. Бу жараёнда фаолиятини замонавий асосда такомиллаштираётган, саноатчилар, тадбиркорлар, фермерлар, умуман, аҳолининг ишончли суянчига айланган молия муассасаларининг ўрни катта. Юртимиз тараққиёти, устувор вазифаларни амалга оширишда тижорат банкларининг узлуксиз молиявий кўмаги муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, Давлат тижорат «Халқ банки» жаҳон андозаларига интилган ҳолда мунтазам равишда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, муҳим иқтисодий тармоқларга инвестиция киритиш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларига кредит ажратиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш ва юрт ободлигига ҳисса қўшиш каби жиҳатлар банк фаолиятида муҳим йўналишлардан саналади.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Банк жамоаси мамлакат равнақи, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга бел боғлаган кўплаб тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бугунги кунда жисмоний шахслар билан ишлаш «Халқ банки» фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Банк доимо мижозларнинг эҳтиёжларини кузатиб боради ва уларга имкон даражасида энг яхши хизматларни таклиф этади. Бу, авваламбор, миллий ва чет эл валютасидаги омонатлар ва депозитларнинг ҳар хил турлари, пластик тўлов карталари, пул ўтказмалари тизимларининг бетакрор тўплами, ҳисоб рақамларни очиш ва юритиш, турли-туман хизматлар турлари учун тўловларни қабул қилиш ва кўпгина хизматларни амалга оширишдир.

Еттинчи маротаба ўтказилган «BankExpo — 2014» миллий кўргазмасида мамлакатимиздаги барча банклар қатори Давлат тижорат «Халқ банки» ҳам турли янги хизмат турларини намойиш этди. Кўргазмада таклиф этилаётган янги хизматлар, жумладан, янги омонат турлари ва кредит маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбиркорлар, ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари таклиф этилаётган банк хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлдилар.

Кўргазмада «Халқ банки» томонидан янги замонавий ахборот технологиялари ва хизматлари, хусусан, интернет банкинг, мобайл банкинг, замонавий пул ўтказмалари, пластик карталар билан ишлаш ва уларнинг афзалликлари кенг намойиш этилди.

— Мазкур кўргазма Ўзбекистон банк-молия институтлари, давлат ва тартибга солувчи органлар ҳамда банк-молия хизматларидан фойдаланувчилар, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари раҳбарлари ўртасида мулоқот ўрнатишга яхши имкон яратиб беради. Кўргазма иштирокчилари замонавий ахборот технологияларидан янада самаралироқ фойдаланиш ҳисобига банк тизимининг ривожланишини таъминлаб берувчи воситалар, технологиялар ва ечимлари борасида тажриба ва ахборот алмашиш имконига эга бўлмоқдалар, — дейди «Халқ банки» Марказий аппарат ходими Зиёдхон Асқаров. — Гувоҳи бўлаётганингиздек, биз ушбу кўргазма орқали иштирокчиларга янги омонат турлари ва кредит маҳсулотлари, суғурта хизмати каби қатор хизмат турларини таклиф этмоқдамиз. Таклиф этаётган хизматларимиз иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айтиш жоизки, «Халқ банки» кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизнинг энг йирик банклари бешлигига киради. Банк ўз истеъмолчилари учун юқори даражада хизмат кўрсатишга, исталган вақтда банк бўлимларидан ҳар қандай хизмат тури бўйича маслаҳат олиши мумкин.

— Банк тизимидаги янгиликлар ва уларнинг тезкор хизматлари биз талабалар учун жуда қўл келмоқда, — дейди кўргазма иштирокчиси Зуҳриддин Раҳмонов. — Ушбу кўргазмада иккинчи бор қатнашишим. Ўтган йили кўргазмада иштирок этиб, «Халқ банки» томонидан контракт асосида таҳсил олаётган талабалар учун таклиф этилаётган таълим кредити хизмати борлигидан хабар топдим. Банк ходимлари менга кредит олиш шартларини атрофлича тушунтирганларидан сўнг, керакли ҳужжатларни банк ходимларига тақдим этдим. Шундан сўнг улар менинг 1 йиллик тўлов шартнома пулимни тўлаб беришди. Бу хизмат тури менга молиявий томондан маъқул келмоқда. Банк томонидан талабалар учун яратилган бу каби имкониятдан мамнунман. Келгусида «Халқ банки»нинг молиявий кўмаги асосида бизнес лойиҳамни амалга ошириш ниятидаман. Шунингдек, кўргазма давомида банк ходимлари томонидан кредит олиш шартлари тўғрисида керакли маълумотларни олдим. Қисқаси, банк хизматларидан миннатдорман.

— Банк тизимида имтиёз ва қулайликлар ҳажми кенгайгани тадбиркорлар ва аҳолига катта имконият яратмоқда, — дейди кўргазма иштирокчиси Ўткир Деҳқонов. — Менга «Халқ банки» томонидан таклиф этилаётган кредит хизмат турлари маъқул келди. Кўрсатилган кредит фоизи мени қониқтиради. Шу боис банк мутахассисларига мурожаат этиб, кредит олиш шартлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим.

Мамлакатимиз банклари мижозлар талабларига жавоб берадиган юқори технологик ишланмалардан кенг фойдаланиб, замон билан қадам-бақадам бормоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ банкларимиз қиёфаси ўзгариб бормоқда, хизмат кўрсатиш даражаси жадаллашмоқда, ички ва ташқи бозор ўзгаришларига тез мослашмоқда. Шу боис истеъмолчиларнинг эҳтиёжини олдиндан сезиш ва уларнинг истак-хоҳишларига мос равишда хизмат кўрсатишга шароит яратилмоқда. «Халқ банки» кўргазмада, омма эътиборига Ўзбекистон банк-молия соҳасининг янги замонавий технологиялари ва маҳсулотлари, интерактив хизматлар, хусусан, интернет банкинг, банк-молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи энг янги ахборот дастурларини ҳавола этди.

Сармоянгиз кўпайиши йўлида хизмат қиламиз

Таклиф этилган омонат турида: «Капитал» — 1 йил муддатга 22 фоиз, «Қалдирғоч» — 6 ой муддатга 23 фоиз, «Ишончли тўлов» — 2 йил муддатга 24 фоиз, «Даромад-2» — 3 ой муддатга 22 фоиз, «Нафақа» — 3 ой муддатга 16 фоиз, шунингдек, «Соғлом бола», «Болажонга мадад» каби омонатлар кўргазма иштирокчиларини ўзига тортмоқда.

Хизматларимиз — эҳтиёжларингиз учун

Ушбу таклиф этилаётган истеъмол кредитларида «Оила фаровонлиги», «Оила қувончи», «Талаба», «Ёш оилалар учун ипотека кредити», «Ипотека кредити» мавжуд.

«Xalq sug'urta» — халқ хизматида

Xalq sug'urta» Суғурта компанияси умумий суғурта соҳасида 50 дан ортиқ суғурта турларини жисмоний ҳамда юридик шахсларга тақдим этади. Уларнинг ичига «Микросуғурталаш», «Шахсий суғурта», «Мол-мулк суғуртаси», «Жавобгарликни суғурталаш», «Молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш» шулар жумласидандир.

Мижозларга юқори даражада қулайлик яратиш мақсадида, «Халқ банки» мобил банкинг воситасида, фойдаланувчи уйдан чиқмай туриб, ўз шахсий реквизитлари бўйича коммунал хизматлар фойдасига тўловларни амалга ошириш, интернет хизматлари, уяли ва шаҳар телефони, шаҳарлараро алоқа хизматларини тўлаши мумкин бўлган дастурни таклиф қилмоқда. Мижоз интернет тармоғи орқали ёки мобил телефондан кириши, паролни киритиши ва ўз ҳисобкитобларини масофадан туриб бошқариши мумкин.

Кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлар банк тизими ютуқлари, ривожланиш истиқболлари билан атрофлича танишдилар, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоблар олдилар.

Шуни айтиш мумкинки, «Халқ банки» томонидан кўрсатилаётган хизматлар тобора кенгайиб бормоқда. Банк жамоаси «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида иш юритиб, ўзининг самарали фаолияти билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмушини янада яхшилаш ҳамда юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Банк матбуот хизмати

Тасвирий санъат

Деразамнинг олдида бир туп,
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...
Айнан мана шу машҳур мисралар Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройининг кичик залида қайта-қайта жаранглади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси, рассом-кулол Баҳодир Ниёзовнинг «Баҳорни соғиндим...» номли кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазманинг бундай номланиши бежиз эмас. Баҳор нафасини ўзида акс эттирган рассомнинг ижодий ишлари томошабинлар томонидан юксак баҳоланди.

Баҳор соғинчи

Баҳодир Ниёзов Қашқадарё вилоятида унумли ижод қилиб келаётган рассом-кулоллардан. 1998 йилдан бошлаб унинг ижодида янги бурилиш бошланди. У Касби кулолчилик мактабини чуқур ўрганди. Унинг раҳбарлигида вилоят соғлиқни сақлаш биноси ички безак ишлари, вилоят ташхис маркази фойесидаги керамика услубида ишланган фонтан, вилоят ҳокимияти маъмурий биносининг қишки боғи учун керамика усулидаги композициялар эътибор ва эътироф топди. Қарши шаҳрида бадиий безаш ва меъморчилик билан боғлиқ бир қанча монументал бадиий композициялар яратилди. Ғузор тумани Ковчин қишлоғидаги «Тоҳир ва Зуҳра» меъморий мажмуаси учун ишланган ҳайкалтарошлик ва керамика услубидаги бир қанча композициялар уни элга танитди.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишлаб қурилган шаҳардаги 2500 ўринли Амфитеатр биносининг кириш қисми учун яратилган монументал панно ўзига хос ишланма бўлди. Ушбу панно икки қисмдан иборат бўлиб, чап қисмида арслон образи акс эттирилган. Ўз муқаддас маъвоси қўриқчиси бўлган арслон давлат ва куч тимсолидир. Ўнг томонда тасвирланган қанотли туя тасвири XII аср сўғд маданиятига хос бўлиб, бу Эрмитажда сақланадиган кумуш кўза манбаси асосида ишланган.

Баҳодир Ниёзов ижодида қадим Касби кулолчилик анъаналари асосида ишланган сопол идиш тўпламлари билан бир қаторда ҳайкалтарошлик услубидаги деворий лаганларга ишланган композициялар алоҳида ўрин эгаллайди. Шоира Увайсийнинг «Анор» шеърига бағишланган «Қордаги анорлар», шоир Чўлпоннинг «...Тиканли боғчалар чечак кўргуси...» мисраларига бағишланган композициясида унинг ўзигагина мос услуб сезилиб туради. Рассом — кулолнинг ижоди бошқалардан бироз фарқ қилади. У шеър мутолаа қилиб ва уни чуқур таҳлил этиб, сўнг ижод қилади. Баҳодир Ниёзовнинг моҳирона шеър ўқиши, адабиётнинг сеҳрига сингиб кетиши кишини лол қолдиради. Уни шоир деб ҳам аташ мумкин, чунки у сўзлари, дард ва ўйлари ила лойни сўзлатади. Яратган асарларига боқиб, ўз-ўзидан шеърий мисраларни тиза бошлайсиз.

Ижодкорнинг янги режа ва ўйлари билан қизиқиб, уни суҳбатга тортдик:

— Мен шу пайтгача кўргазма ташкил этишни ўйламагандим. Ёзувчи Нодир Норматовнинг таклифидан кейин бунга қарор қилдим. Рассомлик билан бирга кулолчилик санъатини давом эттиришим — Касби кулолчилик мактабини ўрганиш билан бошланди. Болалик таассуротларим раҳматли бобом Муҳторхон Олимхон ўғли ҳикоя қилиб берган Султон Мир Ҳайдар ҳақидаги ривоятлар асосида шаклланган.

— Сизнинг асосан шеърий мисраларга ишланган асарингиз кўргазмани безаб турибди. Жумладан, Икром Отамуродовнинг «Ёбондаги ёлғиз дарахт» шеърига ишланган композиция барчанинг эътиборини тортди. Демак, шоир ва рассом, қолаверса кулол биргаликда асар яратиши мумкин эканда?..

— Гапингиз тўғри. Мен ёшликдан шеъриятни яхши кўраман. Айниқса, шеърларни ёддан ўқиш севимли машғулотим. Ижод борасида эса ҳеч кимга ўхшамайдиган услуб яратишга ҳаракат қиламан. Шоирга шеър ёзиш кўнглига таскин берса, менга асар яратиш, юрагимдаги сўзларни лойга жо этиш ҳузур бахш этади. Ҳар доим ишланган асаримни лой печига қўйишдан олдин эсон-омон чиқармикин, деб хавфсираб тураман. Кўнглимдагидек чиқмаган пайтлар кўп бўлган. Шунда ҳам тоқат билан яна ишлайман. Зеро, сабр таги олтиндир.

Мен шоирлардан кучли мисралар излайман. Агар улар шуни ёза олса, мен асаримнинг 50 фоизини яратган бўламан. Мақсадимиз, ўсиб келаётган авлодимизни қадриятларга тўла асарларимиз билан таништиришдир. Бу демакки, мукаммал асар учун биргина менинг ижодим камлик қилади.

— Яна қандай асарлар устида ишлашни истайсиз?

— Мен ижодга шу пайтгача унчалик ошиқмасдим. Лекин мухлисларимнинг ишончи мени янада руҳлантирди. Улар учун ижод қилишим кераклигини тушуниб етдим.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Баҳодир Ниёзов шахсий кўргазмаси «Баҳорни соғиндим...» деб номланиши ҳам шоир Чўлпоннинг ушбу шеърига бағишланган композиция туфайлидир.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факултети талабаси

Ishonch
2014-yil 12-aprel № 46 (3395)

Спорт оламида

Фигурали учиш

Қирғизистонда фигурали учиш бўйича 5-16 ёшли спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз 1 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритдилар.

МУЗ МАЛИКАСИ

Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда мезбон спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Анастасия Сазанованинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди ва у олтин медал соҳибасига айланди.

Терма жамоамиз ҳисобига кумуш медалларни Рустам Каримов, Тимур Звягин ва Амирхон Исматуллаев келтирган бўлса, Муҳаммаджон Еркебаев, Шоҳсанам Тоҳирова, Дария Свободина ва Мария Одайник бронза медали билан тақдирланди.

Пауэрлифтинг

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида пауэрлифтинг (Паралимпия оғир атлетикаси) бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Фарҳод Умирзоқов (-72 кг.) уч уриниш якунларига кўра 110 кг. тошни ўзига бўйсундириб, жаҳон чемпионатининг кумуш медали ва жорий йил Инчеон шаҳрида ўтказиладиган ПараОсиё ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

ФАРҲОД АВЛОДЛАРИ

Пауэрлифтинг қоидаларида спортчи уч уринишдан сўнг, тўртинчи уринишни ҳам амалга ошириши мумкин. Фақат тўртинчи уринишда жаҳон рекордини янгилаш талаб этилади. Эътиборлиси, Фарҳод Умирзоқов ушбу имкониятдан фойдаланишга аҳд қилди ва тўртинчи уринишда 116 кг. натижа билан жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Дунёнинг 60 дан зиёд давлати вакиллари иштирокида ўтган мазкур жаҳон чемпионатида терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Искандар Турсунбоев (-59 кг.) мусобақаларда 120 кг. тошни ўзига бўйсундириб, кумуш медал ҳамда ПараОсиё ўйинларининг йўлланмасига эга бўлган эди.

Стол тенниси

Таиландда стол тенниси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъанинг етакчи спортчилари аниқланиши билан бирга, жорий йилнинг 16-28 август кунлари Нанкин шаҳрида ўтказиладиган II ўсмирлар Олимпиада ўйинларига йўлланмалар ҳам ўйналди.

ЙЎЛЛАНМА НАҚД

Эътиборлиси, Осиёнинг 26 давлатидан келган 1200 спортчи иштирокида ўтказилган қитъа чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Регина Ким яккалик баҳсларда муваффақиятли иштирок этиб, II ўсмирлар Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга бўлди.

Шахмат

Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган FIDE Гран-Присида халқаро гроссмейстеримиз Нафиса Мўминова турнирда учинчи рақам остида сараланган Чжао Сюэ (Хитой)ни оқ доналарда ўйнаб мағлуб этди.

НАФИСАНИНГ БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Биринчи турда бўлгани каби, иккинчи турда ҳам олтита партиянинг фақатгина биттасида дуранг натижа қайд этилди. Иккинчи турнинг фарқли томони, унда Хоу Ифан (Хитой) ва Татяна Косинцева (Россия) қора доналарда ўйнаб зафар қучдилар.

Иккинчи тур ўйинларидан сўнг хитойлик Хоу Ифан юз фоизлик натижа билан пешқадамлик қилмоқда. Анна Музичук ва Антоанета Стефанова ҳисобида 1,5 тадан очко мавжуд. Бир йўла олти шахматчи — Нафиса Мўминова, Татяна Косинцева, Чжао Сюэ, Катерина Лагно, Анна Ушенина ва Олга Гиря биттадан очко жамғарган. Александра Костинюк ҳамда Нана Дзагнидзе ҳисобида 0,5 очко мавжуд бўлса, Батчимег Тувшинтугс ҳозирча очкосиз қолмоқда.

Бадиий гимнастика

Латвиянинг Рига шаҳрида бадиий гимнастика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

ҚИЗЛАРИМИЗДА — ОЛТИН

17 мамлакат иштирок этган мусобақада Луиза Ганиева, Марта Ростобурова, Самира Амирова, Зарина Қурбонова, Олга Кирякова ва Евгения Ларионова каби бир қатор гимнастикачиларимиз жамоавий баҳсларда 32,850 балл тўплаб, олтин медалга сазовор бўлдилар.

Иккинчи ва учинчи ўринларни Россиянинг Санкт-Петербург ва Краснодар жамоалари эгаллашди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Картография ва геодезия коллежи спорт залида Дэн-то Фудокан каратэ-до Тошкент шаҳар федерацияси томонидан японияликлар 8-ДАН қора белбоғ соҳиби, 73 ёшли Танака Такенори билан мастер класс ташкил этилди.

МАҲОРАТ ДАРСИ

— Ҳозирда 12 ёшдаман. Фудокан каратэ-до билан шуғуллана бошлаганимга икки йилдан ошди. Туман мактаблари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиб, кўп бор совринли ўринларни қўлга киритдим, — дейди Мирҳабиб Сайфуллаев. — Келажакда моҳир спортчи бўлиб, республика, жаҳон чемпионатлари, олимпиадаларда юртимиз байроғини баланд кўтаришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

— 6 ёшимдан каратэ билан шуғулланаман. 17 ёшимдан мураббийлик қиламан. Ҳозирда 300 нафардан ортиқ ўғил-қиз машғулотларимизга қатнашмоқда, — дейди каратэ-до бўйича 7 карра республика чемпиони, мураббий Рустам Бекмуродов. — Ўтган йилнинг декабр ойида Ўзбекистон кубогида иштирок этиб, жамоавий баҳсларда биринчиликни қўлга киритдик.

Японияликлар моҳир спортчининг самимий суҳбати, саволларга қисқа ва аниқ жавоб бериши, каратэ сир-асрорларини машғулот асноси амалий тарзда тушунтириши ёшлар учун катта мактаб вазифасини ўтади.

С.АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Аҳмад ТЎРА
олган суратлар

ЭПЧИЛЛИК СИНОВИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида моҳир педагог Чори Жумаев хотирасига бағишланган триатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари ўтказилди. Беллашувларда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 89 нафар эркак ва аёллар ҳамда ўсмир иштирок этди.

Мусобақа қатнашчилари 1,5 километр масофага сувда сузиш, 40 км.ли велосипед пойгаси ва 10 км.га югуриш баҳсларида иштирок этишди. Якунга кўра, умумжамоа ҳисобида Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятлари триатлончилари совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

— Қизиқарли кечган баҳсларда андижонлик Жавоҳир Юнусов, Муҳаммадазиз Турсунбоев, жиззахлик Зуҳра Воҳидова, самарқандлик Бахтиёр Умаралиев, навоийлик Алина Ҳакимова, хоразмлик Дилафрўз Саидова сингари спортчилар ўзларининг эпчил ва чаққонликларини намойиш этди, — дейди Сурхондарё вилоят Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбарининг ўринбосари Қаҳрамон Холиқов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ТАЪМИРДАН СЎНГ

замонавий талаблар даражасида

Бухородаги «Нефтгаз қурилиштаъмир» ОАЖга қарашли корхоналарда касаба уюшмалари ташаббуси билан кўплаб мусобақалар ўтказилаётир.

— Корхонамизнинг Бухоро, Когон, Муборак, Қоровулбозор ва Газли шаҳарларида вакилликлари бўлиб, уларда 1,5 мингга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади, — деди «Нефтгаз қурилиш таъмир» ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси Даврон Раҳматов. — Уларнинг барчасида оммавий спортни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилган. Ходимлар бўш вақтларида волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, футбол, мини футбол, енгил атлетика, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланишади.

Яқинда Бухорода вакилликлараро мини футбол мусобақаси ўтказилди. ОАЖга қарашли спорт мажмуасининг салкам 500 миллион сўм эвазига замон талаблари даражасида таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани учрашувлар савиясига ижобий таъсир кўрсатди. Эндиликда спортсеварлар йилнинг ҳар қандай фаслида бемалол шуғулланишлари учун барча шароит яратилган. Чунончи, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари, тренажёр зали, стол тенниси, мини футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, футбол майдонида томошабинлар учун қулай имкониятлар, шунингдек, шинам ошхона мавжуд.

Қизғин баҳслар остида ўтган мусобақанинг финалида 2- ва 6-вакиллик спортчилари ўзаро баҳслашдилар. Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Хотин-қизларни спортга кенг жалб қилиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлашга эришилаётир.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп туман кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури тадбирлари доирасида соҳада ишлаётган аёллар ўртасида мусобақа уюштирилди. Ҳудудларда ўтказилган биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган маърифатпарвар аёллар волейбол, эстафета ва кўпкураш бўйича ўзаро беллашишди. Ҳазорасплиқларнинг севимли масканларидан бирига айланган «Мухомон» спорт мажмуаси мусобақага мезбонлик қилди. Олти жамоага бирлашган 240 нафар аёл бор маҳоратини намойиш этди.

Эстафета баҳсларида Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоасига тенг келадигани топилмади. Иккинчи ўринни Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, учинчи ўринни Питнак шаҳар 8-умумтаълим мактаби жамоаси эгаллади.

Волейбол мусобақаларида 4-умумтаълим мактаби, ТТА қошидаги академик лицей, Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоалари шоҳсупага кўтарилди.

Кўпкурашда 4-умумтаълим мактаби, ТТА қошидаги академик лицей, Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоалари совриндор бўлди.

Ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Жаҳонгир ШЕХОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп туман кенгаши раиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Tashkent realtor service» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори, ахборот-таҳлил Департаментининг 07.02.2012 йилдаги 06-29-35-сонли Баённомаси, ҳамда Зангиота тумани ҳокимининг 15.06.2012 йилдаги 442-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Янги Тошкент айланма йўли ёқаси, «Пегас агро мастер» МЧЖ ерларида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 2 795 597 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Зангиота тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 12.05.2014 йил соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 13.05.2014йил соат 11-00 да очилади. 23.05.2014 йилга қадар мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 13.05.2014 йилдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 29.05.2014 йил соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 28.05.2014 йил соат 18-00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зангиота туман ҳокимияти биносида 29.05.2014 йил соат 11-00 да очилади, 08.06.2014 йилга қадар танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ х/р: 20208000804876496001 Ипак йўли банки Миробод филиали, МФО:01101, ИНН:301743808.

Танлов ташкилотчиси — «Tashkent Realtor Service» МЧЖ.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш ва мурожаат қилиш учун телефон рақамлари: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона. Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 150-58-56, электрон почта: info@realtorg.uz. Лицензия RR-0008.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ етакчи мутахассиси Сабуржан Мусаевга падари бузруквори

МАМАДАМИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 21.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 2 3 4